



ПРОФЕССОР ТЎРА НАФАСОВ - ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Чариева Сарвиноз Туйғуновна

Қарши давлат университети

Лингвистика: ўзбек тили йўналиши

2-курс магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7436483>

ARTICLE INFO

Received: 04th December 2022

Accepted: 13th December 2022

Online: 14th December 2022

KEY WORDS

таҳлил, лингвистик таҳлил,
синтактик таҳлил,
интонация, тиниш
белгилари, гапнинг
грамматик қурилиши,
пунктуацион таҳлил,
тартиб, чегараловчи,
айирувчи, мураккаб
функцияли тиниш белгилар.

Таҳлил дейилганда, бирор бир масалани яқиндан ва батафсил анализ ва синтез қилиш ва ўрганиш унинг моҳияти, хусусиятлари, бутун ҳолати, яъни уларнинг барчаси билан боғлиқ омилларни билиш жараёни тушунилади. Шу сабабли ҳам таҳлилчилар ҳар қандай иш жараёнида таҳлилни муайян бир объектни ўрганиш, моҳиятини англаш, маъносини тўлиқ очишга хизмат қилувчи усулларда бири деб тушунтирашади. Ҳар қандай фан асосларини эгаллашда маърузалар билан бир қаторда амалий машғулотларнинг ҳам роли катта. Хусусан, тил фанининг илмий - назарий асосларини, қонун-қоидаларини амалий мушоҳадасиз ўрганиш қийин. Амалий машғулотлар савиясини ошириш, хилма

ABSTRACT

Ушбу мақолада профессор Тўра Нафасовнинг лингвистик таҳлил тадқиқотчиси сифатидаги хизматлари ҳақида фикр юритилган. Унда таҳлил, лингвистик таҳлил, лингвистик таҳлил турлари, хусусан, Т. Нафасовнинг пунктуацион таҳлил ҳақидаги қарашлари, бундаги таҳлил жараёнларидан намуналар ва бу таҳлилнинг она тили фани бўйича аҳамияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

- хиллигини таъминлаш, илғор методлардан фойдаланиш, бакалавр талабаларнинг ижодий фаоллигига эришиш назарий билимларни чуқур ва изчил ўзлаштиришнинг муҳим омилларидандир.

Бунда лингвистик таҳлил ўзбек тилшунослигининг назарий билимларни системали ўрганганининг мақбул усулларидан биридир.

Таҳлил жараёнида тил фактлари ҳақидаги назарий маълумотлар, грамматиканинг қонун-қоидалари конкрет мисолларда амалга татбиқ қилинади. Таҳлил этувчи ҳар бир тил фактининг назарий асосларини пухта эгаллашга интилади. Таҳлил, шунингдек, ечимларни топиш учун маълумотларни ёзиб олиш ва қайта ишлашга қодир бўлган ақлий



заковатнинг нинг ваколоти ҳисобланади. У ҳаётнинг барча соҳаларида қўлланилади. *Лингвистик таҳлил, сиёсий таҳлил, математик таҳлил, биологик таҳлил, тарихий таҳлил, тиббий таҳлил* ёки қонни таҳлил қилиш каби усуллар кенг тарқалган. Бу барча нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилиш мумкин эканлигини кўрсатади. Таҳлилнинг ҳар бир турида асосий мақсад маълум бир нарса ва ҳодисани нафақат уларни белгилайдиган хусусиятлар, балки улар билан боғлиқ сабаблар ва оқибатлар нуқтаи назаридан ҳам батафсил ўрганишга қаратилади.

Мазкур таҳлиллар ичида шундай таҳлиллар борки, тилшуносликда уни *лингвистик таҳлил* деб юритишади. Лингвистик таҳлил ўзбек тилшунослигининг назарий билимларини тизимли ўрганишнинг мақбул усуларидан биридир. Таҳлил жараёнида тил фактлари ҳақидаги назарий маълумотлар, грамматиканинг қонун-қоидалари аниқ мисолларда амалиётга татбиқ қилинади. Таҳлил этувчи ҳар бир тил фактининг асосларини пухта эгаллашга интилади. Лингвистик таҳлил –толинган назарий билимлар асосида тил ҳақидаги ҳар бир фаннинг талабига кўра конкрет бир тил ёки нутқ бирлигини (сўз ёки гапни) парчалаб ўрганишдир¹.

Лингвистик таҳлил ҳақида кўплаб асарлар ва илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, методист олим А. В. Текучев “Грамматик таҳлил методикаси” (1952), “Мактабда грамматик таҳлил” асарлари (фонетик, морфологик, грамматик, этимологик,

синтактик ва стилистик таҳлиллар), Н. Н. Стаховский, Г.П. Домашенкина, Б.Т. Иванова ,Р.И. Лихтма, О. Я. Прик асарлари шулар жумласидандир. Улар кўпроқ морфологик ва синтактик таҳлилга кўпроқ эътибор қаратишган.

Лингвистик таҳлил – тил ва нутқ бирликларини уни ташкил этувчи қисмлари, мазмуни, вазифаси ва бошқа хусусиятлари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, тил (нутқ) бирликларининг аниқ ҳолатини белгилашдир². Лингвистик таҳлилнинг қуйидаги турлари мавжуд: 1) лексикологик таҳлил; 2) фразеологик таҳлил; 3) семасиологик таҳлил; 4) фонетик таҳлил; 5) имловий таҳлил; 6) орфоэпик таҳлил; 7) морфем таҳлил; 8) синтактик таҳлил; 9) пунктуацион таҳлил; 10) услубий таҳлил; 11) этимологик таҳлил ва ҳоказо.

Қуйида Тўра Нафасов ва Тўра Қудратов билан ҳамкорликда нашр эттирган “Лингвистик таҳлил³” қўлланмаси, хусусан, қўлланмадаги Т. Нафасов томонидан ёзилган таҳлиллар хусусида фикр юритамиз

Қўлланманинг лингвистик таҳлил ҳақида, лексикологик, фразеологик, фонетик, орфографик ва орфоэпик, морфемага ажратиши, морфологик ва стилстик таҳлил қисмлари Т. Қудратов, *синтактик ва пунктуацион таҳлил* қисмлари Т. Нафасов томонидан ёзилган.

Муаллифлар лингвистик таҳлил ўзбек тилшунослигининг назарий билимларини системали ўрганишнинг мақбул усуларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлайди.

¹ Қудратов Т., Нафасов Т. Лингвистик таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – Б. 4-5.

² Hojiyev. A. “Lingviustik tahlil” Qomus.info. Onlayn ensiklopediya.

³ Қудратов Т. Нафасов Т., Лингвистик таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. 183 б.



Тилшунослигимизда лингвистик таҳлил амалий машғулотнинг энг фаол кўринишларидан бири. Бизга маълумки, тил ҳодисалари лингвистик таҳлили жараёнида янада ойдинлашади, билимлар мустаҳкамланади.

Лингвистик таҳлилнинг оғзаки ва ёзма шакллари бўлиб, оғзаки таҳлил кам вақт талаб қилиши билан аҳамиятли бўлса, ёзма лингвистик таҳлилнинг ўзига хос ижобий томонлари бир қанча. Бундай таҳлил талаба ёки ўқувчидан ўзига хос фикрлашни талаб қилади. Бу жараёни тўлиқ ёки тўлиқсиз ҳолда амалга ошириш мумкин.

Профессор Т. Нафасов *синтактик ва пунктуацион* таҳлилни баён этар экан у лингвистик таҳлилда 4 та тамойилга асосланганини кузатишимиз мумкин.

1. Илмийлик тамойили.
2. Маълум таҳлил асосида иш кўриш тамойили
3. Бир таҳлилни бошқа бир таҳлил билан аралаштириб юбормаслик тамойили.
4. Таҳлилни систематик ўтказиб бериш тамойили.

Ҳар бир тамойил алоҳида шарҳлаб берилгандан сўнг лингвистик таҳлил намуналари ва босқичлари кетма - кет кўрсатиб берилган.

Шу билан биргаликда муаллифлар қўланмада лексикологик ва фразеологик таҳлил, фонетик таҳлил, орфографик таҳлил, орфоэпик таҳлил, сўзни морфемаларга ажратиш таҳлили, сўз ясалиш таҳлили, этимологик таҳлил, морфологик таҳлил, ёрдамчи сўзлар таҳлили, синтактик таҳлил, содда гап таҳлили,

қўшма гап таҳлили, пунктуацион таҳлил, стилистик таҳлил каби таҳлил турлари, таҳлил тартиби ва намуналарини осон ва қулай тарзда ёритиб берган. Бу таҳлил жараёнларида ҳар бир бўлим ҳақида кенг билимга эга бўлиш мумкин.

Лингвистик таҳлил босқичларида ҳам узвийлик бўлиб, оддийдан мураккабга томон қараб боради. Ҳар бир таҳлилда маълум бир бўлим мавзулари тўлиқ қамраб олинади. Ушбу китобда Профессор Т. Нафасовнинг синтаксис ва пунктуацион таҳлил ҳақида маълумотлари жой олган. Пунктуацион таҳлил бўйича жараёнларга эътибор қаратамиз. Даставвал тилшуносликда катта аҳамиятга эга бўлган пунктуация бўлими ҳақида тўхталиш ўринлидир.

Пунктуация (лот. пунцум — нуқта; кичкина доғ) — 1) алифбодан ташқари бўлган график белгилар (тиниш белгилари) тизими бўлиб, графика ва орфография (имло) билан биргаликда ёзма тилнинг асосий воситаларини ташкил этади. Пунктуациянинг асосий вазифаси ёзма (босма) матнни қисмларга ажратиш, график жиҳатдан шакллантиришдир; 2) ёзма матнни пунктуацион расмийлаштиришни тартибга солувчи, ҳар бир тил учун тарихан шаклланган қоидалар, меъёрлар; 3) Пунктуация тизими қонуниятларини, шунингдек, тиниш белгиларининг қўлланиш меъёрларини ўрганадиган тилшунослик бўлими.

Муайян миллий тил графикаси (ёзуви) 2 хил воситадан: ҳарфлар (алифбо) ва тиниш белгилари (пунктуация) тизимидан иборат. Пунктуация тарихи, пунктуацион тизимнинг пайдо бўлиши, тиниш



белгиларининг сони турли тилларда турлича намоён бўлади. Пунктуацион тизим ҳозирги маъно ва кўринишда Ғарбий Европа тиллари ёзувларида XV-XVII асрларда, рус ёзувида XVIII асрда, ўзбек ёзувида эса XIX асрнинг 2 - ярмида пайдо бўлган. Ёки инглиз тили пунктуацион тизимида апостроф ва дефис ҳам тиниш белгиси ҳисобланиб, уларнинг жами 12 та бўлса, ҳозирги ўзбек пунктуацияси қуйидаги 10 та тиниш белгисидан иборат: вергул, икки нуқта, кўп нуқта, нуқта, нуқтали вергул, сўроқ белгиси, тире, ундов белгиси, қавс, қўштирноқ.

Пунктуация тилнинг синтактик қурилиши билан узвий боғлиқ бўлиб, ёзма нутқни тўғри, ифодали, аниқ баён қилишда, унинг услубий раванлигини, тез тушунилишини таъминлашда муҳим воситадир. Ҳозирги ўзбек пунктуациясининг шаклланиши, ривож, унинг ўрганилиши Фитрат, С.Иброҳимов, Ҳ. Ғозиев, О. Усмон, Ғ. Абдурахмонов, К. Назаров ва бошқа тилшуносларнинг номи билан боғлиқ.

Пунктуацион белгилари системаси, уларнинг миқдори ва қўлланиш усуллари, маъно ва вазифалари, қўлланиш ўринлари ва қоидалари, ўзига хос хусусиятлари ва ёзувнинг бошқа махсус белгиларидан фарқи, таснифлаш каби масалалар пунктуациянинг ўрганиш объектидир. Ўз навбатида пунктуация ёзма нутққа хос. Ёзма нутқ эса энг барқарор ва тил тараққиётига ҳисса қўшадиган нутқдир. Ўз навбатида, нутқ мазмуни ва унинг ифодаланиши, интонатсияси ва услуби, вазияти ва мақсади, нутқ компоментларининг тузилиши каби

омиллар ёзувда тиниш белгиларининг хилма- хил қўйилишини талаб этади.⁴

Нутқни тиниш белгилар бўйича таҳлил қилишда гапнинг мазмуни, грамматик қурилиши ва интонатсияси яхлитликда алоҳида аҳамиятга эга. Пунктуацион таҳлил ҳозиргача мукамал босқичда ишлаб чиқилмаган бўлиб, дастлабки изланишлардан бири профессор Т. Нафасовга тегишлидир. Олимнинг фикрича, пунктуацион таҳлил ўтказишда дастлаб гап ёзилади, сўнг интонация билан ўқилади. Гапнинг мазмуни ва қурилиши, интонацияси ва стилистик хусусиятлари асосида тиниш белгилари қўйиб чиқилади. Агар тиниш белгилари қўйилган матн танланса, белгиларнинг тури, миқдори, қўлланиш ўрни ва усуллари танланади. Тиниш белгиларини қўлланиш сабаби, грамматик ва интонацион хусусиятлари бирма - бир изоҳланади. Биринчи навбатда, гапни охиридаги тиниш белгига эътибор қаратилади. Чунки асосий интонация ва гап ҳақидаги ҳукм шу тиниш белгига боғлиқ. Пунктуацион таҳлил тартиби 7 босқичда изоҳланган:

- 1) Ифода мақсадига кўра гапнинг тури ва тиниш белгиси, унинг қўлланиш хусусияти,
- 2) Гапнинг грамматик тузилиш жиҳатидан тури,
- 3) Гап таркибидаги тиниш белгиларининг миқдори,
- 4) Гап таркибидаги тиниш белгиларининг тури ва тузилиши,
- 5) Гап таркибидаги тиниш белгиларининг ўрни, ҳар бир белгининг хусусиятлари,

⁴ Қуратов Т, Нафасов Т. Лингвистик таҳлил. Тошкент. Ўқитувчи. 1981. 170 б.



6) Гап таркибида тиниш белгиларининг қўлланиш усули:

а) якка тартибда, б) қўша тарзда (бир тиниш белгининг такрорий тарзда қўлланиши, турли тиниш белгиларининг биргаликда қўлланиши)

7) Гап таркибидаги тиниш белгиларининг функцияси (вазифаси)

а) Чегараловчи (қўштирноқ, қавс)

б) Айирувчи (нуқта, сўроқ, ундов, нуқтали вергул)

с) Мураккаб функцияли (икки нуқта, вергул, нуқта, тире, кўп нуқта)

8) Гап таркибидаги тиниш белгиларининг оғзаки нутқдаги интонацияси.

Юқоридаги таҳлил тартиби асосида намуна сифатида 3 та гап таҳлил қилинган. Жумладан,

“Гулшан айтишича, (1) иш ўтган, (2) гап мазмунича, (3) албатта, (4) хон Солиҳ маҳдумга куёв бўлмай қўймас, (5) ҳозир бунинг қаршисида бирор тадбир топиш жуда қийин ва бу хабарни Анварга айтиш - аймаслик масаласи ҳам яна оғир. (6) (А. Қодирий)

1) Дарак гап. Шунинг учун охирига нуқта қўйилган;

2) Грамматик қурилиш жиҳатдан қўшма гап, аралаш типли қўшма мураккаб қўшма гап (компонентлар боғловчисиз, боғловчи билан боғланган). 4 та содда гапдан иборат, гап бўлаклари билан боғланмаган иккита кириш бўлак ва бир кириш сўз мавжуд:

3) 6 та тиниш белги қўлланган:

4) Икки хил тиниш белги қўлланган: вергул, нуқта - бир элементли, тузилиши содда;

5) Нуқта гап охирида қўлланган, вергул гап ичида - қўшма гап ичидаги содда гаплар ўртасида - қўлланган;

6) Барча тиниш белгилар якка тарзда қўлланган;

7) Нуқта айирувчанлик функциясини бажарган Ушбу қўшма гапни навбатдаги гапдан ажратган, вергул 5 марта қўлланилиб, турли функцияларни бажарган; 1- вергул гап бошида келган кириш бирикмани содда гапдан ажратган. 2- вергул содда гапни кириш бирикмадан ажратган, 3 - 4- вергуллар кириш бирикма ва кириш сўзни ўзаро ва содда гапдан ажратган, 5 - вергул содда гапларни ўзаро ажратган;

8) Нуқта хабар интонациясига эга, вергуллар санаш, таъкидлаш, ажратиш интонациясига эга, вергул қўйилган ўринларга қисқа пауза бўлади”⁵ тартибидаги намуна билан танишиш мумкин.

Кўринадик, профессор Т. Нафасов таҳлил жараёнларида узвийлик ва кетма- кетликка амал қилган ҳолда ҳар бир тиниш белги ҳақидаги маълумотларни аниқлаштиришга эришган. Асар билан танишар эканмиз, лингвистик билимларимиз бойиб, тилшуносликнинг ҳар бир бўлими ҳақида тушунчаларга эга бўламиз.

Хуллас, бугунги кунда тилшуносликда, хусусан, “Амалий тилшунослик” “Матн тилшунослиги” фанларида бу қўлланмадан фойдаланиш амалий аҳамиятга. Талабалар ҳар қандай матнни лингвистик таҳлил қилиш жараёнида тил фанидан яхшироқ ва чуқурроқ билимга эга бўладилар. “Лингвистик

⁵ O'sha asar. 174-bet.



таҳлил” қўлланмаси ўз даврида энг келган ва ҳозирда ҳам соҳа вакиллари
долзарб асар сифатида майдонга учун муҳим қўлланма сифатида .

References:

1. Қудратов Т. Нафасов Т. “Лингвистик таҳлил” Тошкент. “Ўқитувчи” 1981.
2. Сайфуллаева Р, Менглиев Б ва бошқалар Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. “Инновация - Зиё” 2020.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Биринчи жилд. Тошкент – 2020.
4. Ҳожиев. А. “Лингвистик таҳлил” Қомус.инфо. Онлайн энциклопедия.
5. Азизов О. “Тилшуносликка кириш” Тошкент.1996.
6. Абдуазизов А. “Тилшуносликка кириш” Тошкент 1999.